

Кегейли тумани Халк таълими бўлими биринчи томондан кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб, буюртмачи номидан раҳбар К.Бекимбетов ва “AMARANT LIDER STROY” МСНҲ маъсулияти чекланган жамияти иккинчи томондан кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталиб, пудратчи номидан раҳбар П.Токсанбаев иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини қуйидагиларга асосан туздилар,

I. Таърифлар:

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган узғаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

Қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади.

Вактинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар.

Беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқични ва (ёки) турлари қийматини аниқ белгиллаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Кегейли тумани Халк таълими бўлимига қарашли 23-сонли умум таълим мактаби (180 ўринли умум таълим мактаб иморати енгил қурилиш ишлари) объекти бўйича лойиха ҳужжатларида кузда тутилган объектида енгил қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3. Буюртмачи Пудратчига қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

4. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, эркин танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва эркин танлов комиссиясининг қарори 2022 йил 06 сентябрь кунги (141965-сонли баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни уз ичига олган ҳолда, жорий нархларда (шу жумладан ҚҚС билан) жами Кегейли тумани 23-сонли умум таълим мактаби (180 ўринли умум таълим мактаб иморати енгил қурилиш ишларини олиб бориш) объекти **764 800 000 (Етти юз олтинчи торт миллион саккиз юз минг)** сўмни ташкил этади. *(Пудратчи ҚҚС туловчиси)*

5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас. Қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш муддатини қупайтиришга енгиб бўлмайдиган қуч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

- объектнинг қурилиши бир йилдан ортикка узгартирилганда.

6. Қурилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Тегишли асослар мавжуд бўлганда санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

8. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- Барча ишларни мазкур шартномадаги 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоат нархдаги ишларни энг камида 50 фоизини узининг кучи ва (ёки) жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- 1-иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- бош пудратчи субподрядчилар билан шартнома тузишда буюртмачи билан келишган ҳолда шартнома тузиши шарт;

- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф-муҳитни, утқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек, ёритиш чирокларини урнатиш;

- ишчиларни маданий дам олишлари учун шароит яратиб бериш ва иссик овқат билан таъминлаш;

- қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

- қурилиш майдонини қуриклашни таъминлаш;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

9. Пудратчи имзоланган пудрат шартномасининг 2-илласига мувофиқ, ҳар ҳисобот оининг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида Буюртмачига ҳисобот топшириши лозим, акс ҳолда ҳисобот ойида 2-иловага кўра бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида Буюртмачига пеня тулайди ҳамда пудрат шартномани бекор қилиш амалдаги қонун доирасида кўриб чиқилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни уз кучи билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 фоиздан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни топшириш учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ва иш ҳажмларига Буюртмачининг рухсатисиз ўзгартириш киритмайди. Агарда ўз хоҳиши билан ўзгартирган тағдирда Буюртмачи мажбуриятни ўз зиммасига олмайди.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

11. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- Лойиҳа смета ҳужжатларига буюртма беради. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага (1-иловага) мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини 5 кун муддатда куриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
- Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бир ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўхатини тақдим этиш;
- Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

12. Агар пудратчи томонидан ҳар ҳисобот ойнинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида ҳисоб-фактура ва ҳисоботи топширилмаса, Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларини молиялаштирмайди. Ушбу шартноманинг 3-банди бажарилмайди.

VI. Ишларни бажариш муддатлари

13. Шартнома:

миллий валюта «сумда» узаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

14. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уз айланма маблағлари ҳисобидан ишларни бажаришга киришади.

15. Танлов (тендер) савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг фойдаланишга топшириш муддати 60 кун деб белгиланган.

16. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар

17. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида, дастлабки икки ойга тенг улушларга (ойига 30%) аванс утказади, топширилган иш ҳажми тулик бажарилгандан қолган 65 % маблағ тулаб берилади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

19. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, ҳар ойда ажратилган аванс миқдори равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қиймати-нинг 95 фоизигача тўлов амалга оширилади.

- Мазкур шартномада белгиланган объектнинг 5 фоизлик маблағи 1 йиллик кафолат муддати тамом бўлгандан кейин, тегишли ҳужжатлар тақдим қилинганнан сўнг амалга оширилади.

20. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектни тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

21. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича уз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун (молиялаштириш йилида) мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага узгартиришлар киритиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

- Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда Буюртмачи тўлов учун мажбурият ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

VIII. Ишларни бажариш

22. Буюртмачи қурилиш майдонида уз вақтини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек, Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

23. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

24. Пудратчи техник-аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник-аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайда булувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

25. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бандида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

26. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини Давлат архитектура-назорати органлари билан қилишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

27. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

28. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги қаллоҳнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги ҳужжатларни беради.

29. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги қаллоҳнома имзоланган қундан бошлаб 3 (уч) қун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларни координатлари ва қаллоҳлик белгиларини тақдим этади.

30. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва қаражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек, қаллоҳлик белгилари, улчамлари ва бўлиш уқларининг мувофиқлиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш қараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида қатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан қилишган қолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

31. Пудратчи геодезия ишларида қуратиладиган координатлар ва қаллоҳликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши қемалари ва қадвалларини қалайди, ишларни бажариш қаврида ва улар қуғалланқандан кейин қаллоҳнома бўйича Буюртмачига беради.

32. Қурилиш майдонида ишларни бажариш қаврида қоммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янқидан қурилган қоммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади. Пудратчи қоммуникация объектларини қойдаланувчи тегишли қорқоналарга топширади.

33. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-уқуналар ва бутловчи буюмлар, қонструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга, қавлат стандартларга, техник шартларга мувофиқ бўлишини қамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини қаллоҳлайди.

34. Алоқида масъулиятли қонструкциялар ва берқитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 қун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Қавархитектурурилишқазорат» инспекциясини ёзма равишда қабардор қилади.

35. Қабул қилинадиган қонструкциялар ва ишлар тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул қонструкцияларни оралик қабул қилиш қаллоҳномалари қамда уларнинг «Қавархитектурурилишқазорат» инспекцияси билан қилишилган шартларида берқитиладиган ишлар текшируви қаллоҳномалари билан тасдиқланади.

36. Пудратчи Буюртмачининг ишларини бажариш дафтарига қиритилган ёзма руқсатномасидан кейин ишларни бажаришга қиришади.

37. Агар берқитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиқсиз бажарилган бўлса ёки у бу қакда қабардор қилмаган бўлса ёки қечикиб қабардор қилинган бўлса, у қолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофиқ берқитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манқаатларига қиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга қикишларни Буюртмачининг розилиқсиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобқар ҳисобланмайди.

38. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у қолда Пудратчи ўз қуқлари билан ва қурилиш

кийматини купайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

39. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди.

40. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга булган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқии тугрисидаги маълумотлар, шунингдек, қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган қамчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. Ишларни қуриклаш

41. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тусилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қурикланишини таъминлайди.

42. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек, материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

43. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида қилиб қикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

44. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари 1 ойдан қу вақтга қузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай қоралар қурилишини муҳоқама қиладилар.

45. Агар томонлар 2 ой ичида қилиша олмасалар у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

46. Қурилиши тугулланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

47. Объектларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчи Буюртмачига ёзма билдиришнома ва иншоатларни фойдаланишга қабул қилиш ишчи гуруҳ қололатномасини беради.

Буюртмачи қуриилши тугалланган объектни Қавлат қабул қомиссияси иштирокида қабул қилиб олади.

48. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда 2 (икки) нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу

хужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиклаши керак.

49. Иншоат Давлат қабул комиссияси томонидан расмий фойдаланишга қабул килинган кейин Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

50. Пудратчи:

- барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиха хужжатларига ҳамда қурилиш меёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

51. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида 24 ой этиб белгиланади.

52. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, ўлдар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига ўзайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисоби билан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ўшлаб қолиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ўшбу масала бўйича тегишли иқтисодий суд органларига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

54. Буюртмачи:

- шартнома қучга қиргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боглик бўлмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан 1 ойдан қуп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қупайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жалвалига риоя этилмаганда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

55. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боглик бўлмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қуйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

56. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига қўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

57. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

58. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

59. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

-Пудратчи томонидан ушбу шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда буюртмачи томонидан шартномани қонунда белгиланган тартибда бекор қилиб, объектни бошқа Пудратчига бериш бўйича тақлиф беради.

XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

60. Томонлардан бири шартномада мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

- Ўзбекистон Республикаси Ўқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқа жавобгарликка тортилади.

61. Мазкур шартномага тегишли иловаларда қўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига қечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши тўғрисида етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

62. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тўртганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тўртган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тулайди.

63. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва қамчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи ва шартноманинг 2-иловасига мувофиқ объектда ҳар ойда бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмларини бажармаган тақдирда, ишлар қийматининг 5 фоизи миқдорда пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги қерак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар қўрсатишнинг қечикиши тўғрисида етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

64. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилиш-назорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тўртиши, шунингдек, Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ўндириш ҳуқуқига эга.

65. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томониккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган қаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

66. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

67. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Нукус туманлараро иқтисодий суди томонидан қуриб чиқилади.

XVI. Коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш ва коррупцияга

қарши қоидаларининг асосий шартлари

68. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талаблари-га зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни (Кегейли тумани Халқ таълими бўлими ёки “AMARANT LIDER STROY” MCHJ маъсулияти чекланган жамияти) ходими ўз мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги яхуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкӣ наф олиш учун қўйидаги ҳаракатларни қилмайди:

- пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш;
- товламачилик қилиш;
- пора сифатида пул тўлаш;
- бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар қўрилишига кафолат беради.

69. Агар шартнома бўйича бир Томон (Кегейли тумани Халқ таълими бўлими ёки “AMARANT LIDER STROY” MCHJ маъсулияти чекланган жамияти) ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиқ ҳужжатларига зид келадиган ҳатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қўйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

- (61) 412-28-02, (99) 734-77-30.

XVII. Алоҳида шартлар

70. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.

71. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирон-бир учинчи (шахс) томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга булмайди.

72. Буюртмачи ва пудратчи, бош пудратчи ва субпудратчилар, лойиха ташкилотлари ва асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ва конструкцияларини етказиб берувчилар уртасидаги муносабатлар воситачи ташкилотлар ва бошқа оралик бугинларнинг иштирокисиз фақат шартнома асосида қурилади.

Бунда ҳам моддий-техника ресурсларини узаро берган ҳолда, ҳам улар берилмаган ҳолда субпудрат ташкилотлар томонидан ишларнинг бажарилиши битта объект қурилиши доирасида воситасининг иши ҳамда моддий-техника ресурсларини ташқарига реализация қилиш деб ҳисобланмайди. Бош пудратчининг розилигига асосан тулов амалга оширилади.

73. Субпудратчилар ва етказиб берувчилар (ишлаб чиқарувчилар)ни танлаш бош пудратчи томонидан танлов савдолари натижалари бўйича тузилган бош шартнома бўйича мажбуриятлар сакланиб қоллиниши шарт билан мустақил амалга оширилади.

74. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган булса, ҳақиқий ҳисобланади.

75. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

76. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

77. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

78. Мазкур шартнома томонлар имзолагандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

79. Ушбу шартнома 2 (икки) нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эгадир.

XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

ПУДРАТЧИ:

“AMARANT LIDER STROY” MCHJ

маъсулияти чекланган жамияти

Манзили: Нукус шаҳри, Массив Сарбиназ

2-уй, 6-хонадон

Телефон: 99 734-77-30

х/р: 20208000900757425001

МФО: 01068

ИНН: 304776717

АКБ Хамкор Банк Нукус шаҳри

Раҳбар



П.Токсанбаев



БУЮРТМАЧИ:

КЕГЕЙЛИ ТУМАНИ ХАЛҚ

ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ

Манзили: Кегейли тумани, Кегейли гузори

кўчаси р-уй, тел: 61,412-30-40

х/р: 23402000300100001010 ИНН: 201122919

МФО: 00014


ш/р: 100022860352127092100075063

ИНН: 200382533 ОКЭД: 97600

Тошкент шаҳар Марказий банки

Раҳбар

К.Бекимбетов

	Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	KUATBAY BEKIMBETOV BERDIMAMBETOVICH
	Imzolangan sana	8 сен 2022 12:36
	Hujjat kodi	WW0832001483
	Hulosa kodi	JF0017728632

**YURIDIK ÁHMIYETKE IYE HÚJJETLERDÍN NÍZAM
HÚJJETLERINE MUWAPÍQLÍGÍ BOYÍNSHA**

HUQÍQÍY JUWMAQ

№ WW0832001483

1. Joybardín túri: Shártnama.

2. Joybardín atı: qurılıs (pudrat) boyınsha.

3. Joybardín islep shıǵıwshısı hám kiritilgen sáne haqqında maǵlıwmat: Kegeyli rayonu xalıq bilimlendiriw bólimi tárepinen 2022-jıl 8-sentyabr kúni menen xalıq bilimlendiriw bólimi menen “AMARANT LIDER STROY” juwapkershiligi sheklengen jámiyeti ortasında ulıwma bahası bólimge qaraslı 180 orıńǵa mólsherlengen **23-sanlı ulıwma orta bilim beriw mektep** imáratında qurılıs jumısların alıp barıw (*shártnama ulıwma bahası 764 800 000*) ushın shártnama joybarı tayarlanǵan.

Shártnama joybarı Ózbekstan Respublikasınıń “Xojalıq júritiwshi subektlerdín shártnamalıq huqıqıy-bazası haqqında”ǵı Nızam talaplarına muwapıq islep shıǵılǵan.

Joqarıdaǵılardan kelip shıǵıp hámde Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 2021-jıl 29-iyundaǵı PQ-5168-sanlı qararı menen tastıyqlanǵan “Yuridikalıq xızmet kórsetiw orayları haqqında”ǵı Reje talaplarına muwapıq,

JUWMAQ:

Joybar ámeldegi nızam hújjetlerine muwapıq islep shıǵılǵan hám onı tastıyqlaw maqsetke muwapıq.

**Kegeyli rayonu ádillik bólimi
Yuridikalıq xızmet kórsetiw
orayı baslıǵı**

2022-jıl 8-sentyabr



K.M.Paluanıyazov



« Тастыйықлайман »
Кегейли РХББ баслығы
К. Бекимбетов

« 08 » 09 2022 жыл

Кегейли РХББ “Товар-материаллық запаслар хәм ислерди (хызметлерди) сатып алыў бойынша таңлаў комиссиясы”ның ең жақсы уынысларды таңлап алыў бойынша откерилген

16 -санлы мәжлис баяннамасы

2022-жыл “08” 09

Кегейли р.н

Катнасыўшылар:

Комиссия баслығы:

Кегейли районы Халык Билимлендириу болими баслығы: К. Бекимбетов

Комиссия ағзалары:

РХББ бас есапшысы: А. Абдиев.

РХББ бас инженери: С. Бекниязов

РХББ бас экономисти: Г. Жумабаев.

РХББ бас таъминатшы: З. Жаббарбергенов

КҮН ТӘРТИБИ:

Кегейли РХББ - Таңлап алыў комиссиясы баслығы К.Бекимбетов мәжлисте таңлаў комиссиясының 5 ағзасынан 5 адам катнасып атырғанлығын айтып өтип, таңлаў комиссиясы мәжлисин ашық деп жариялады.

Таңлаў комиссиясы хаткери таңлаў комиссиясына төмендеги мағлыўматларды усинды: **Өзбекстан Республикасынын 2021-жылдың 22-апрелдеги 684-санлы “Мамлекет сатып алыўлар хаккында»ғы Нызамының** (текстте кейинги орынларда- **Нызам**) 58-статьясына мууапык ең жақсы усынысларды таңлап алыў откерилиўи хаккында арнаўлы информатион порталында (<http://dxarid.uzex.uz/>) дағаза таңлаў катнасыўшыларының кабыл етиў мүддети тамамланыўынан 5 (бес) жумыс күн алдын мәмлекетлик буйыртпашы тәрәпинен жеке кабинети аркалы жайластырылган 2022 жыл 25-август күни №22110012141965-санлы лот бойынша, 2022-жыл 08-сентябрь кунги баянлама бойынша хеш кандай шагым келип туспеди.

Өзбекстан Республикасы “Мәмлекетлик сатып алыўлар хаккында”ғы Нызамы талапларына хәмде жокары көрсетилген мағлыўматларды есапқа алып Таңлаў комиссиясы

Қ А Р А Р Е Т Е Д И :

1. Кегейли РХББ- не караслы № 23-санлы мектеп имараты женил онлау жумыслары ушын откерилген таңлап алыўда таңлаў хўжетлеринде хәм таңлаў шәртлери бойынша ең жақсы шәртлерди усинған хәм таңлап алыў женимпазы деп табылған " " "AMARANT LIDER STROY " MCHJ 764 800 000 сум (ҚҚС си) менен шартнама дузилсин.

2. Жеңимпаз мекеме таңлап алыў шәртлери тийкарында шәртнама дүзиўден бас тарткан жағдайда шартнама дүзиў хуқуқы кейинги катнасыўшы (резерв) етип, " QARAQALPAQ TAUEKEL QURILIS " Ч белгиленсин. Бунда жеңимпаз катнасыўшы усыныс еткен


суммасынан аспаган мугдарда шартнама дүзйү мүмкинлиги белгилеп койылсын.

3. Нызам талапларына мууапык таңлау катнасыушыларының усынысларын көрип шығыу хэм бахалау мүддети усыныслар бериу тамам болыуынан 10 (он) күнинен асып кетиуи мүмкин емеслиги мағлыұмат ушын қабыл етилсин.

4. Мекеменин бас есапшысы – А.Абдиев танлау алыу жуумагы бойынша женимпазы менен шартнама хужжетлерин таярлау хамде шартнама дузилген сон 3 (уш) жумыс куни ишинде арнаулы информацион порталына (www.xarid.uz) жайластыруу тапсырылсын.


5. Танлау комиссиясы хаткери (А.Косдавлетова), усы танлап алыу тийисли барлык хужжетлерди белгиленген тартипте сакланыуын тамийнлесин.

Комиссия баслығы:




К.Бекимбетов

Комиссия ағзасы:



А. Абдиев

Комиссия ағзасы:




С. Бекниязов

Комиссия ағзасы:



Г. Жумабаев

Комиссия ағзасы:



З. Жаббарбергенов